

UZBEKISTON
RESUBLIKASI
MILLIY MA'LUMOTLAR
MARKAZI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 2002 йил 11 май, шанба

• №37 (11.425)

• Эркин нархда сотилади

ФИКРЛАР МУШТАРАКЛИГИ – АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК ОМИЛИ

10 май куни Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери Герхард Шрёдер ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Юксак мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросимидан кейин бошланган ушбу мулоқот чоғида Ўзбекистон-Германия муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, иқтисодий ҳамкорлик, минтақавий хавфсизлик ҳамда Афғонистонни тиклаш ва тинч ҳаётга қайтаришга ёрдамлашишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ислом Каримов Германияни жаҳон иқтисодий ва сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутувчи етакчи мамлакатлардан бири деб билишини, халқаро миқёсда тузилган аксилтеррор коалициясида унинг ўрни ва аҳамияти катталигини таъкидлар экан, Ўзбекистон бу давлат билан муносабатларини юксак даражада қадрлашини қайд этди.

Германия Ўзбекистоннинг Фарбий Европадаги энг йirik иқтисодий ҳамкорларидан саналади. Маълумотларга кўра, ўтган йили ўзаро савдо ҳажми 283,3 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Германия Ўзбекистонда экспортни молиялаш йўналиши бўйича элликдан зиёд лойиҳада иштирок этапти. Бу лойиҳаларнинг умумий қиймати қарийб 1 миллиард АҚШ долларига тенг. Бундан ташқари, мамлакатимизда элликдан зиёд Германия фирма ва компанияларининг ваколатхоналари, юз элликка яқин қўшма корхона муваффақият билан фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон ва Германия расмий делегацияларининг



кенгайтирилган таркибдаги музокаралари чоғида ушбу кўрсаткичлар икки мамлакатнинг салоҳияти даражасида эмаслиги таъкидланди. Ҳозирги вазиятда савдо, молия, сармоя жалб қилиш, техника ва технологиялар соҳаларини иқтисодий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари этиб белгилаш зарурлиги қайд этилди. Ўзбекистон томони энергетика, саноат ва транспорт соҳаларида алоқаларни ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги муносабатларда ГФРнинг федерал ерлари ва Ўзбекистон вилоятлари ўртасидаги алоқалар ҳам муҳим ўрин тутди. Шу кунгача Вестфалия, Саксония каби федерал ерлардан турли даражадаги кўплаб делегациялар Ўзбекистонга келиб кетди. Худудий-маъмурий бирликлар фақат иқтисодий ҳамкорлик билан чекланмайди. Масалан, Берлин билан Тош-

кент биродарлашган шаҳарлар ҳисобланади. Ўзбекистонликлар Штутгарт, Дрезден шаҳарлари жамоатчилиги билан ҳам қалин муносабат ўрнатган.

Германия нафақат иқтисодий салоҳияти, балки сиёсий нуфузи ҳам юқори бўлган мамлакатдир. Афғонистонда тинчлик ўрнатиш масаласига бағишлаб ўтган йилнинг ноябрида чақирилган халқаро конференция Боннда ўтказилгани бунинг бир исботидир. Бонн конференцияси Афғонистонни тинч ҳаётга қайтаришдаги биринчи салмоқли қадам сифатида тарихга кирди.

Афғонистондаги воқеаларга муносабат муштараклиги Ўзбекистон билан Германиянинг сиёсий алоқалари янада кенгайишига олиб келди. Президент Ислом Каримов ҳамда канцлер Герхард Шрёдернинг январь ойида бўлган телефон сўзлашувидан кейин, Ўзбекистон инсонпарварлик операцияларини амалга оширишига

ёрдамлашиш учун Германияга Термиз аэродромидан фойдаланишга рухсат берди. Февраль ойида бу борада ҳукуматлараро ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистоннинг ёрдамисиз Германия инсонпарварлик операцияларини ҳозиргидек кенг кўламда бажара олмаган, аксилтеррор операциясига ҳозиргидек катта ҳисса қўша олмаган бўлур эди. Музокаралар якунида бўлган матбуот анжуманида буни канцлер Г.Шрёдер очик эътироф этди ва Ўзбекистон билан Германиянинг кўплаб халқаро миқёсдаги сиёсий масалаларга муносабати муштараклигини, ана шу муштараклик халқларимиз манфаатлари йўлида амалий ҳамкорликни янада кенгайтиришга ундашини таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам, жуда кўп масалаларда икки мамлакатнинг қарашлари ўхшаш ё яқин. Хусусан, БМТни ислоҳ қилиш масаласида томонларнинг фикри бир жойдан чиққан. Президент

Ислом Каримов мазкур ташкилот Хавфсизлик кенгаши доимий аъзоларининг сафини кенгайтириш, жумладан, унга жаҳон сиёсий ва иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутувчи Япония ва Германияни қўшиш таклифини илгари суриб келади. Германия канцлери бундай ташаббус ва Термиз аэродромидан фойдаланишга рухсат бергани учун Ўзбекистон раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Матбуот анжуманида музокаралар давомида демократия, бозор ислохотлари, фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда сармоя муҳитини янада яхшилаш масалалари ҳам муҳокама этилгани маълум қилинди. Г.Шрёдер ўзининг куни кеча амалга оширилган Афғонистон сафари якунларига тўхталиб, ушбу мамлакатда вазият барқарорлашаётгани, бунда аксилтеррор коалициясининг операциялари, Ўзбекистон ва Германия каби давлатларнинг саъй-ҳаракатлари муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Шу билан бирга, мамлакатларимиз уюшган жиноятчилик, жумладан, наркобизнесга қарши курашдаги ҳамкорликни янада кенгайтириши лозимлигини қайд этди.

Ислом Каримов, Германия Федерал канцлерининг мазкур ташрифи икки мамлакат муносабатлари ривожини ҳар томонлама рағбатлантиришга хизмат қиладиган муҳим воқеа бўлганини таъкидлади.

Шу билан Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери Герхард Шрёдернинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди. Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмонни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов кузатиб қолди.

(ЎЗА).

АНЪАНАЛАР ЭТГУСИ ДАВОМ

Тошкент вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида Хотира ва Қадрлаш куни кенг нишонланди

Юрт-эл, миллат, Ватан ҳаётида ҳар бир хонадондан бошлаб, маҳалла, қишлоқ ёки шаҳар, вилоят ва мамлакат миқёсида нишонланадиган шундай саналар, байрамлар ёки тантаналар борки, улар ўтмишни бугунги кун ва келажак билан боғлайди, аждод-



ларнинг ибратомуз ишларини, шонли меҳнатлари, аёвсиз курашлари, бемисл қаҳрамонликларини халқнинг келажак сари қўйлаётган шахдам ва режали, орзумидли қадамлари билан туташтиради.

(Давоми 2-бетда).

БОҒ ҚАЙТА ЧИРОЙ ОЧДИ

Кейинги йилларда Янгийўлда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу шаҳарда янги боғлар, маҳалла гузарлари барпо этишга қаратилган тадбирлар кўлами кенгаймоқда.



Яқинда шаҳардаги кўпгина меҳнат жамоалари яна бир ташаббус билан чиқиб, ҳашар йўли билан Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғини таъмирлашга киришган эдилар. Бу хайрли ишда «Биокиме» ҳиссадорлик жамияти, Китоб ижара

фабрикаси, «Кичкинтой» корхонаси, «Ўткир» хусусий фирмаси, «Лаззат» акциядорлик жамияти каби 20 дан ортиқ корхона-ташкilotлар ўз ҳиссаларини қўшдилар. Боғда 60 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди.

(Давоми 2-бетда).

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Кўзиқоринни ким севмайди дейсиз? Ундан тайёрланган ҳар хил таомларни истеъмол қилмайдиган одам топилмаса керак. Лекин, кўзиқоринларнинг ҳаммаси ҳам истеъмолга яроқли эмас, айрим турлари заҳарли ҳисобланади.

Шунинг учун уларнинг заҳарли ва заҳарсизларини бир-бирдан ажрата билиш керак. Акс ҳолда нохуш оқибатларга олиб

келиши мумкин.

Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган тезкор йиғилишда ҳам худди шу мавзуда сўз борди.

Йиғилишни вилоят ҳокими-нинг ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Унда тегишли ташкилот ва муассасалардан мутахассислар иштирок этдилар. Ҳозирча вилоятимизда кўзиқориндан заҳарланиш ҳолати қайд этилгани йўқ, бу эса хотиржамликка берилиш мумкин дегани эмас.

Йиғилишда бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун қандай чора-тадбирлар кўриш ҳақида келишиб олинди ва аниқ вазибалар белгиланди. Аввало, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш лозимлиги уқтирилди.

Алижон МУРОДОВ.

БОҒ ҚАЙТА ЧИРОЙ ОҚДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

5,5 минг квадрат метр майдонни эгаллаган боғ худудига 6 мингдан кўпроқ мева ва манзарали дарахт кўчатлари, 14 минг тугдан зиёд турли гуллар экилди. Эндиликда замонавий аттракционлар, чўмилиш ҳавзаси ва бошқа шу каби иншоотлар катта ва кичик янгийўлликлар ихтиёрида бўлади. Шунингдек, фахрийлар учун Нуронийлар чойхонаси, дўкон ҳам хизмат кўрсатади. Бундан ташқари, теннис корти, волейбол майдони, шохмат-шашка тўғрақлари ҳам иш бошлади. Хуллас, асосан ҳашар йўли билан қайта тикланган боғ барча қулайликларга эга. Энди бу ерга ташир буюрган кишиларнинг бахри-дили очилиши табиийдир.


Куни-кеча ушбу боғнинг очилиши маросими бўлиб ўтди. Унда шаҳардаги корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари ва бошқа кўплаб меҳмонлар иштирок этдилар. Маросимни очган Янгийўл шаҳар ҳокими Зафар Файзуллаев ҳашарда фаол иштирок этган жамоаларга ўз миннатдорчилигини билдирди. Бу ерда уруш ва меҳнат фахрийлари ва бошқа иштирокчилар учун дастурхон ёзилиб, ош тортилди. Республикаимиздаги таниқли санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар йиғилганларни хушнуд этди.

Тадбирда вилоят ҳокими-нинг биринчи ўринбосари Хамидулла Асатов иштирок этди.

Акбар АЛЛАМУРОДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

«ЭКОСАН»ДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ

«Экосан» халқаро жамғармасида Германиянинг экология, сув ва ер заҳиралари соҳаси билан шуғулланувчи делегацияси аъзолари ҳамда ўзбекистонлик мутахассислар иштирокидаги семинар яқунларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.



Семинар давомида мамлакатимизнинг вазирлик, идора ва атроф-муҳит муҳофазасига ихтисослашган муассаса ва корхоналари билан немис компаниялари, фирма ва тадқиқот муассасалари ўртасида алоқалар ўрнатилди, — деди жамғарма раиси Юсуф Шодиметов. — Уйлайманки, анжуман икки давлат ўртасидаги соҳага доир муаммоларни бартафат этиш учун ташланган дастлабки қадам бўлди.

Ю. Шодиметовнинг таъкидлашича, германияликлар тузган «Proinno» дастурида хориз ва ўзбекистонлик мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, маблағ билан таъминлаш кўзда тутилган.

«Туркистон-пресс»

АНЪАНАЛАР ЭТГУСИ ДАВОМ

Хотира ва Қадрлаш куни бугунги авлод ҳаётида ана шундай маъносона улугворлик касб этган санадир. Бундан 57 йил муқаддам инсоният ўз бошига тажовузона ёпирилган фашизм вабосини янчиб ташлади. Дину дунёқарашлари турлича бўлган халқлар бирлашиб, иккинчи жаҳон урушини ғалаба билан яқунлади, инсоният цивилизациясини ва келажagini сақлаб қолди.

Мустақил Ўзбекистон Президентининг Фармониغا биноан пойтахтимиз Тошкентда Хотира мажмуаси барпо этилди, 9 майни — Иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлганларни ёдга олиш ва хотирлаш, уруш қатнашчилари, фронт орти меҳнатчиларига қадр-қиммат, хурмат-эҳтиром кўрсатиш куни сифатида нишонлаш анъана бўлиб қолди.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Тошкент вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида Хотира ва Қадрлаш куни кенг нишонланди. Уруш иштирокчилари, халқ хўжалигининг турли соҳаларида узоқ йиллар меҳнат қилган кекса авлод вакиллари 9 май тонгида Зангиота тумани марказида таъмирланиб, янгидан барпо этилган Хотира майдонида тўпланишди. Қахрамон жангчи ёдгорлиги пойига гуллар қўйилди.

Бугун биз Иккинчи жаҳон уруши майдонларида, фронт ортида қахрамонлик кўрсатган, озодлик учун азиз жонларини фидо қилганлар хотирасини ёдга олиб, урушдан кейинги йилларда туманимиз иқтисодиётини кўтариш, маданиятни раванқ топтириш учун куч-ғайратини аямасдан меҳнат қилган кекса авлод вакиллари эҳтиром кўрсатмоқдамиз, — деди туман ҳокими Ҳасан Нурматов фидойи инсонларни номма-ном тилга олиб. — Уларнинг журъатли ва жасоратли ҳаёти бугунги ёшлари

миз учун муқаддас бир ибратдир.

Катта даврага тўпланган уруш иштирокчилари, байналминалчи жангчилар, меҳнат фидойилари кечмиш воқеа-ҳодисаларни эслаб, куй-қўшиқ тинглаб дам олишди.

Кеча 25-мактабда ўтган «Тарихсиз келажак бўлмайди» мавзудаги адабий-бадий кечада қатнашдик, — дейди уруш иштирокчиси Ноил Абдуллин. — Уни 11- ва 15-тармоқ кутубхоналари ходимлари, 25-мактаб ўқитувчилари, Хонобод маҳалласи фаоллари гоят мазмунли ташкил этишди. Болалар Мирзараим Мирзаумаров, Тўлаган Аминхўжаев, Раҳимжон Ёқубжонов сингари уруш қатнашчилари, Маъмуржон Мирзаев, Шўрат Аҳмаджонов каби байналминалчи жангчиларнинг эсдаликларини тинглашди. Қишлоқ хаваскорларининг «Гулдаста» ансамбли кечага алоҳида руҳ бағишлади.

Шу куни туманда етти кишига ногиронлар аравачаси бепул берилди.

Уларни тадбиркор Солихўжа Норхўжаев билан «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги жамоаси совға қилди, — деди туман ижтимоий таъминот бўлими муди-

ри Людмила Фёдорова. — Бу меҳр-саховат ногиронларимиз кўнгилларини кўтарди.

Ўтган урушнинг азоб-укубатлари, йўқотишларини биз кўрдик, фарзандларимизга раво бўлмасин, — дейди Иккинчи жаҳон урушининг қатнашчиси Қайюмжон Азимов. — Қанча сафдошларимиз ёт ўлкаларда, аёвсиз жангларда ҳалок бўлиб кетишди. Лекин бир нарса таскин беради кишига — уларнинг муқаддас қонлари зое кетмади. Бугунги озод ва мустақил ҳаётимиз шундай йўқотишлар билан бунёд этилди.

Хотира ва Қадрлаш куни Охангарон шаҳрида 63 уруш қатнашчисини алқаб, хурмат ва эҳтиром кўрсатишди. Ангрен шаҳрида эса, шу кунги тадбирлар Хотира майдонида митинг билан бошланди. Ўтган урушнинг қатнашчиларига совға-саломлар топширилди. Ҳоким ва унинг ўринбосарлари айрим хонадонларда бўлиб, бемор кексаларни муборакбод этишди.

Шу куни Янгийўл шаҳрига ўзгача файз киргандек бўлди. Кейинги йилларда ташландиқ жойга айланиб қолган маданият ва истироҳат боғи корхона ва ташкилотлар, хусусий фирмалару тижорат муассасалари ғайра-



Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
махсус мухбири.

ҲАР БАЙРАМДА ШУНДАЙ БЎЛАДИ

Ангреннинг тўнғич sanoat корхоналаридан ҳисобланган 9-конда узоқ йиллар ишлаб, ҳозирги кунда нафақада бўлиб, кексалик гаштини сураётган фахрийлар кўп.

Корхона маъмурияти ва жамоаси уларни эътиборсиз қолдирмай, вақти-вақти билан йўқлаб турадилар.

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан кексаларга яна бир бор ғамхўрлик кўрсатилди. Конда ишлаб кетган ҳар бир нафақажўрга 10 минг сўмдан нафақа пули берилди.

Бундан ташқари, ўттиз беш собиқ кончига 300 минг сўмдан кўпроқ зарур озик-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Улар учун катта дастурхон ёзилди. Бундай хайрия тадбирлари йил охиригача давом этади. Бунинг учун корхона буйича 10 миллион сўм сарфлаш назарда тутилган.

«АЛ МАФТУНА» ЭЪТИБОРИДА

Янгийўл шаҳридаги «Амир ал-Мафтуна» фирмаси нуроний отахон ва онахонларга бе-миннат хизмат кўрсатиб келмоқда.

Ишбилармон тадбиркор Маъфура Курбонова бошчилик қилаётган дўкон ходимлари йилнинг ўтган даври мобайнида кексаларга 18 тонна ун, 8 тонна шакар, 3 тонна ўсимлик мойини арзонлаштирилган

нархларда етказиб берди. Тадбиркорларнинг саъй-ҳаракатлари билан дўкон ёнида Отахонлар чойхонаси қурилиши ҳам бошлаб юборилди.

Зухра ҲАЙДАРОВА.

КУТУБХОНАДА ЎТГАН КЕЧА

Юқоричирчиқ туманидаги Янгибозор марказий кутубхонасида Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан бир гуруҳ фахрийлар учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбирга тумандаги маданият тизими соҳаларида узоқ йиллар ишлаб, ҳозирги кунда кексалик гаштини сураётган ўн нафар отахон ва онахонлар таклиф этилди. Унда фахрийлар сўзга чиқишиб,

ўзларининг босиб ўтган ҳаёт йўллари ва меҳнат фаолиятлари ҳақида сўзлаб беришди.

Мазмунли ва мароқли ўтган тадбир ниҳоясида уларга совғалар улашилди.

ХАЙРЛИ ТАШАББУС

ОҚҚЎРҒОН тумани хотин-қизлар кўмитаси ва «Наврўз» хайрия жамғармаси туман бўлими Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан хайрли тадбир уюштирди.

ВИЛОЯТ хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Наврўз» жамғармаси вакиллари иштирокида тумандаги 70 ёшдан 100 ёшгача бўлган 25 нафар табаррук кексалар ва олти нафар ногиронлар хонадонига бориб, уларни байрам

билан табриклашди ва бир қопдан ун ҳадя қилишди.

Шу куни улар 78-махсус интернатда ҳам бўлишиб, болаларга кийим-кечак ва дори-дармонлар совға қилишди.

Самад ЙЎЛДОШ.

Жамият ҳаётидаги туб ўзгаришлар ёшлар тарбиясига алоҳида эътиборни талаб этмоқда. Зеро, мафкуравий қарама-қаршилик авж олган бир пайтда юртимиз ёшларида турли ёт қарашларга нисбатан гоё иммунитетининг шаклланиши Ватанимиз равнақи, юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлигини таъминлаш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Баркамол авлодни тарбиялаш мақсадида миллий дастурнинг яратилиши, иқтидорли ёшлар хорижий мамлакатларда таҳсил олаётганлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташкил топиши ва бошқалар шу мақсадга қаратилган.

Маълумки, дунёда ҳукм сураётган мафкуравий бўҳрон мустақиллик йилларида ёшларимизнинг муайян бир қисмига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

Айрим ёшларимиз онгидаги гоёвий беқарорлик ҳолатидан фойдаланган баъзи сиёсий экстремистик гуруҳлар ўзларининг ёвуз мақсадларига эришиш учун Ўзбекистонга нисбатан мафкуравий хуруж бошлади. Уларнинг асосий диққат-эътибори ёшларимиз онгини манфур гоёлар билан захарлашга қаратилди. Баъзи ёшлар кўли билан бир неча кўпоровчилик ҳаракатлари ҳам амалга оширилди. Натижада қанчадан-қанча юртдошларимиз беғуноҳ қурбон бўлди.

Афсуски, бу ёвуз ниётларни кеч англаб етдик. Натижада кўплай ёшларимизнинг

гоёси: асосий тушунча ва таъмойиллар» фани мунтазам ўқитилмоқда. Диний-экстремизм



ЁШЛАР ЎЗ ЙЎЛИНИ ТОПСИН

онги ва қалби зарарли гоёлар билан захарланди ва улар турли ақидапараст оқимларнинг мақсадлари йўлида хизмат қила бошлади.

Ўсиб келаётган авлодни мак-корона таъсирлардан ҳимоя қилиш мақсадида ёшларнинг мафкуравий тарбиясига жиддий эътибор берилмоқда. Хусусан, таълимнинг барча бо-сқичларида «Миллий истиқлол

стик оқимлар ва уларнинг асл мақсадларини очиб беришга қаратилган илмий-амалий анжуманлар ўтказилмоқда. Оммавий ахборот воситалари орқали ёшлар маънавиятини юксалтириш масалалари кенг ёритилмоқда. Албатта, бундай тадбирлар ёшлар мафкуравий тарбиясида ижобий натижа бериши шубҳасиз.

Шу ўринда масаланинг яна

Маърифат

бир муҳим жиҳати эътибор бериш зарур. Ёшларимиз онги ва қалбини эгаллаш учун ташқи кучлар томонидан бўлаётган кураш асосан диний йўналишда эканлиги маълум. Шуни ҳисобга олиб, ёшларимизнинг диний онгини ўстиришга катта эътибор бериш керак. Чунки, уларда айнан диний онгининг паст даражада эканлиги турли сиёсийлашган гоёларнинг жамиятимизга кириб келишига сабаб бўлмоқда.

Диний онгни юксалтириш деганда, бирор-бир динни тарғиб қилиш эмас, балки масалага илмий-фалсафий ёндашиш назарда тутилади. Ёшларимизга диннинг келиб чиқиши, унинг инсон ҳаёти ва жамиятда тутган ўрни, асл моҳияти, диннинг пировард мақсади ва вазифалари, жаҳондаги мавжуд динлар, уларнинг ўзаро умумийлиги ва фарқи, ҳозирги кунда диний таълимотлардан қандай мақсадларда фойдаланиш зарурлиги ҳақидаги чуқур илмий асосланган билимларни бериш керак. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, «Гоёга қарши гоё, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан курашмоғимиз керак».

Умиджон ҚўШАЕВ,
Ўзбекистон Миллий
Университети
магистранти.

МУАММОЛАР «БУНЁДКОР» НИГОҲИДА

Ўзбекистон аҳолисининг аксарият қисмини ёшлар ташкил қилади. Мамлакат келажагида ёшларнинг тутган ўрни катта.

Лекин, ҳозирги кунда ижтимоий ҳаётимизда мавжуд бўлган айрим камчилик ва иллатлар ёшларимизнинг бирлашиб, катта куч бўлиб шаклланишига ҳалақит бермоқда. Хўш, у қандай муаммо ва тўсиқлар эканки, ёшларнинг жамиятда ўз ўринларини топиб, унинг ривожини учун ҳисса қўшишларига тўлақонли имкон бермаяпти? Худди шу саволга жавоб излаш мақсадида «Бунёдкор» ёшлар телеклуби қошидаги «Ёш олимлар» гуруҳи «Ёшлар муаммолари бунёдкор ёшлар нигоҳида» мавзuida мулоқот ўтказди. Бу мулоқотда пойтахтимиздаги барча олий ўқув юр்தларида ва илмий-тадқиқот марказларида фаолият юритаётган магистр, аспирант ва ёш фан докторлари иштирок этдилар. Мулоқотда ёшлар муаммолари қаторида ёш олимларнинг илмий изланишлари ҳамда тадқиқотлари ва кашфиётларини ҳаётга тадбиқ этиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

«Туркистон-пресс».

Қишлоқ ва ислоҳот

ДАРВОҚЕ, пудратчига айнан шу керак эмасми? Дехқонлар меҳнат ҳам, даромадни тақсимлаш ҳам ўртада бўлган пайтлардаги адолатсизлик, ноҳақлик ва ҳатто, фирромликларни унутганлари йўқ ҳали. Мана энди жамоа хўжаликлари ширкатларга айлантирилиб, молия-ҳисоб марказлари ташкил этилиб, ҳар бир пудратчи учун шу марказларда алоҳида дафтарлар очилиб, қўлларига сарф-харажатлар қайд этиб бориладиган чек дафтарчалари бериб қўйилгач, адолат жойига қарор топа бошлайди.

ЛЕКИН, ҳолва деган билан оғиз чучимади. Агар молия-ҳисоб маркази, чек дафтарчаси, хўжалик бошқаруви билан пудратчилар ўртасидаги шартномалар хўжақўрсинга тузилиб, рисоладагидек ишламаса, ширкатга ўтишдан ҳеч қандай наф йўқ. Шуни ҳисобга олган ҳолда вилоятнинг ҳар бир туманида биттадан

ни юритиш тартиби»да белгиланган тартиб-қоидаларни ҳар бир пудратчи онгига етказишга ҳаракат қилинди.

Қилинган саъй-ҳаракатлар кейинги йилдан ўз самарасини кўрсатди. Хўжалик 2000 йилни қарийб 3 миллион сўм нақд фойда билан якунлади. Ана шу маблағнинг 1 миллион 763 минг сўми аъзоларга пай улушларига қараб тақсимлаб берилди. Йил давомида бериб борилган бўнақдан ташқари оилавий пудратчиларнинг қўллари биринчи марта яхлит пул кўрди.

Кейинги йили, яъни, 2001 йил якунида ширкатнинг шарофати янада яққолроқ кўринди. 663 гектар пахта

тўғри келди. Ғаллачиликдаги натижа янада юқори бўлди: режадаги 141 минг 370 сўм ўрнига 195 минг 825 сўмдан даромад олинди.

Маълумки, халқ хўжалигининг қайси тармоғида бўлмасин, соф даромад ёки нақд фойда ва рентабеллик даражаси меҳнат жамоасининг иқтисодий салоҳиятини белгиловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, ўтган йилги фаолиятдан сўнг «Ачамайли»нинг иқтисодий аҳволи янада яхшиланди. Чунончи, пахтачиликдан 7 миллион 884 минг, ғаллачиликдан эса, 32 миллион 460 минг сўм соф даромад кўрилди. Рентабеллик ҳам тегишлича 4,7 ва 43,1 фоизга кўтарилди.

Тўғри, пахтачилик бўйича рентабеллик ҳозирча бирмунча паст. Бироқ, ҳосил йиғим-теримида МТПнинг ёрдамидан фойдаланилганда, бундан, пастроқ бўлиши мумкин эди. Шуни ҳисобга олган раҳбарлар қўл теримига кўпроқ эътибор беришяпти. Уларнинг айтишига қараганда, бундан икки томонлама иқтисодий наф бор. Биринчидан, қўлда

Гиёҳвандлик — хавфли иллат



Аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг гиёҳвандлик ва ОИТСга чалинишининг олдини олиш борасида кенг қамровли тарғибот юритиш Ибн Сино халқаро жамғармаси фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир.

Ушбу йўналишдаги ибратли ишлари учун жамғарма яқинда халқаро Жонатан Мэнн мукофотида сазовор бўлди.

Ибн Сино халқаро жамғармасида асримиз вабоси бўлган бу даҳшатли иллатларнинг жамиятимизда ёйилишига қарши курашни янада кучайтириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

— Гиёҳвандлик ва ОИТС касаллиги тарқалишининг олдини олиш борасида мамлакатимизда кенг қамровли ишлар амалга



оширилмоқда, — деди мазкур жамғарма бошқаруви раиси, тиббиёт фанлари доктори Ш.Эргашев ўза мухбирига. — Бу борада нодавлат ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, қўшма дастур ва лойиҳалар яратиш, рисола ҳамда услубий қўлланмалар чоп этишга алоҳида эътибор берилаётир. Бугунги йиғилишимизда ҳам келажақда амалга ошириладиган ана шундай ишлар ҳақида бафуржа маслаҳатлашиб олдик.

Б. ХИДИРОВА, ўза мухбири.



МОЛИЯ-ҲИСОБ МАРКАЗИ ПУХТА ИШЛАСА,

бировнинг ҳақи бошқасига ўтиб кетмайди, ҳар ким ўз меҳнатига яраша даромад кўради

намунали хўжалик ташкил этишга қарор қилинди.

Шартномавий муносабатлар тез ва яхши амал қилиши учун жумладан, Бўка туманида намуна сифатида «Ачамайли» хўжалиги танланди. 1999 йилнинг кўкламидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонунини бутун аъзолар ўртасида чуқур ва атрофлича ўрганишга киришилди. Шу билан бир вақтда республика Адлия ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари томонидан ҳамкорликда ишлаб чиқилган «Қишлоқ хўжалик корхоналарида ички хўжалик шартномаларини тузиш ва уларнинг ижросини таъминлашга доир тавсиялар тўплами», «Қишлоқ хўжалик корхоналари ички хўжалик шартномалари мониторинги-

майдонидан режадаги 26,7 центнер ўрнига 29 центнердан юқори навли ҳосил йиғиштириб олинди. Айниқса, ғаллачиликда кескин юксалишга эришилди. Чунончи, контрактация шартномасига мувофиқ давлатга 1538 тонна дон сотиш керак эди. Амалда эса 550 гектар майдондан жами 2482,2 тонна дон хирмони уйилди. Хўжалик бўйича ўртача ҳосилдорлик 45,1 центнерга кўтарилди.

Лекин, гап ширкат усулининг афзаллиги ҳақида борганда, центнер ва тонна эмас, балки, кўпроқ сўм ҳақида фикр юритиш керак. Бу масалада ҳам «Ачамайли» бошқаларга намуна бўла олди. Масалан, пахта майдонининг ҳар гектаридан 221 минг 900 сўм даромад олиш режаланган эди. Амалда эса, 256 минг 780 сўмданга

терилган пахта юқори навларга қабул қилиниб, камроқ чегирма олинади ва энг баланд нархда ҳақ тўланади. Иккинчидан эса, пудратчи оилалар болачақалари билан теримга чиқишиб, мўмайгина пул ишлаб олишади, яъни даромад бегона бўлмайди.

«Ачамайли» ширкат хўжалиги мана учинчи йилки, шу йўлдан оғишмай, барқарор юксалиб бораёпти. 655 гектар ерга ҳар йилгидан эртароқ чигит қадалган эди. Фақат энг кейин экилган 70 гектар атрофидаги майдонни бузиб, қайта уруғ қадашга тўғри келди. 570 гектар майдондаги ғалланинг ҳосили яхши. Эллик центнерни мўлжаллаб туришибди. Демак, бу йил ҳам даромад чакки бўлмайди.

Абдусамад Йўлдошев,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
махсус мухбири.

DUSHANBA

13

«Ўзбекистон»

телеканал

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан душанба, 13 май куни «Ўзбекистон-1» телеканали кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.

15.00 Ўзбекистон телерадиокомпанияси Ю. Ражабий номдаги мақомчилар ансамблининг концерти.

Болалар сайёраси:

15.25 1. «Улғайиш погонлари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин. 16.20 «Ошин». Телесериал. 16.50 «Талабалик йилларим».

17.10 «Қалб гавҳари». 17.30 Теннис буйича «Фьючерс» халқаро турнири. 18.00 Янгилликлар 18.10 «Тарих кўзгуси». Термиз. 5-қисм. 18.30 «Мулк». 18.45 «Бахтли воқеа». Телелоторрея. 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 Биржа ва банк хабарлари. 20.30 «Ахборот». 21.05 Ўзбекистон халқ артисти М. Раззоқова. 21.35 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. «Париси бор уй». 22.05 «Миллионлар ўйини». Спорт дастури. 22.35 «Кавингтон Кросс».

Телесериал. 23.25 «Ахборот - дайжест». 23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр тонги. 10.00 «Янги авлод» студияси. Болалар учун концерт. 10.20 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал. 10.35 Яшанбада кўришгунча. 10.50 Ватан ҳақида кўшиқлар. 11.00 «Давр» ҳафта ичида. 11.30 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 12.20 Саломатлик сирлари. 12.40 Давр-news. 13.00 Тўфон Минуллин. «Алла». Ўзбек давлат миллий академик драма театрининг спектакли. 1-қисм. 14.00 Спорт ҳафтаномаси. 14.15 «Алла». Ўзбек давлат

миллий академик драма театрининг спектакли. 2-қисм. 14.55 Кўҳна оҳанглар. 15.05 «Қойилмақом жиноят». Бадийий фильм. 16.35 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Бильярд. 17.15 «Бугуннинг ёшлари». 17.30 ТВ-анонс. 17.40 Кўрсатувлар дастури. 17.45 «Янги авлод» почтаси, «Билагон маслаҳати». 18.10 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал. 18.25 Ёшлар овози. 18.45 Оқшом наволари. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.35 ТВ-анонс. 19.40 Кўҳна оҳанглар. 19.50 Илдииз ва япроқ. 20.10 Бир ўлка. 20.30 Ёшлик наволари. 20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар 20.55 «Эсмеральда». Телесериал.

21.30 Қишлоқдаги тенгдошим. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал. 23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида: 23.50 «Давр». Ахборот дастури. 00.55-1.00 Хайрли тун!

«Тошкент»

телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани. «Дюймачахон». 18.00 «Халқ саломатлиги йўлида». 18.25, 20.00, 21.30, «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.45 ТТВда сериал: «Индаба». 21-22 сериялар. 19.35, 20.30, 21.55 «Экспресс» телегазетаси. 19.50 «Камалак». 20.45 «Муסיқий

мехмонхона». 21.10 ТТВда сериал: «Бибилиска пул». 22.10 «Пойтахт шарҳи». 22.35 Кинонигоҳ. «Орзу». 24.00-00.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести». 16.25 «Шов-шув». Сериал. 17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.

17.25 М. Евдокимов ҳузурида мехмонда. 18.00 «Мени куттил». 19.00 «Рус рулеткаси». 20.00 «Время».

20.35 «Тристан ва Изольда». Сериал. 21.20 «ТВ-4да Немис тўлкини». 21.40 Кинематограф. «Ўғри қиз». Бадийий фильм.

23.10 «Ахборот» (рус тилида) 23.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

16.55 гача профилактика ишлари.

17.00 Дастурнинг очилиши. 17.05 Ҳужжатли кино: «Одам ва денгиз». 17.40, 20.35 — «Телехамкор». 18.05 «Петербург сирларининг ечилиши». Телесериал. 19.00 «30-канал» кинооқшом: «Ақллилар». 21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.15 «Ошиқона», муסיқий дастур. 21.30 «30-канал» кинооқшом: «Қочишга жой йўқ». 23.15 «Тез ёрдам». Телесериал. 24.00 Ярим тунда спорт.

SESHANBA

14

«Ўзбекистон»

телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. 9.00 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 9.40 «Соғлом она - соғлом бола».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар 10.05 «Қадимги шўхликлар». Бадийий фильм. 11.15 «Рангин дунё».

11.35 Оғир атлетика буйича Осиё биринчилиги. 11.55, 13.20, 13.55 ТВ анонс. 12.05 «Париси бор уй». 12.35 «Интерклуб». 13.25 Ўзбекистон халқ артисти М. Раззоқова.

14.10 «Қишлоқ ҳаёти». 14.30 Кундузги сеанс: «Ёз ҳикоялари». Бадийий фильм. 15.50 «Ёшлар ва муסיқа». 16.15 Теннис буйича «Фьючерс» халқаро турнири. 16.45 ТВ клип. 16.55 «Ватанимга хизмат қиламан». 18.10 «Кузанинг қайтиши». Мультфильм. 18.20 «Баркамол авлод орзуси». 18.40 «Инсон ва қонун». 19.00 Бир жуфт кўшиқ. 19.10 «Тафсилот». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 FCN «Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот». 21.05 «Солиқ ва биз». 21.20 «Қўшигимиз Сизга

армуғон». 21.50 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси. 22.20 «Мувоозанат». 22.55 «Ахборот - дайжест». 23.15-23.20 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» почтаси, «Билагон маслаҳати». 9.40 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал. 9.55 Бизнес-академия. 10.10 Муסיқий лаҳзалар. 10.20 «Эсмеральда». Телесериал. 10.50 ТВ-саёҳат. 11.10 Ёшлар овози. 11.30 Болалар экрани: «Чипполино». 12.50 Саломат бўлинг. 13.10 Интерфутбол. 14.45 Кўҳна оҳанглар. 14.55 Илдииз ва япроқ. 15.15 «Шавкатли рицар Айвенго ҳақида ривоят».

Бадийий фильм. 16.40 Кўрсатувлар дастури. 16.45 «Янги авлод» студияси. «Дунё ва болалар», «У ким? Бу нима?». 17.15 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал. 17.30 ТВ-анонс. 17.40 Таянч. 18.05 Ватан манзаралари. 18.25 Автопатруль. 18.45 Оқшом наволари. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.35 ТВ-анонс. 19.40 Давр-интервью. 19.55 Кўҳна оҳанглар. 20.00 Сифат белгиси. 20.10 Марди майдон. 20.30 Муҳаббат кўшиқлари. 20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар 20.55 «Эсмеральда». Телесериал. 21.30 Ёшлар овози. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.

23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: «Нокаут». 23.30 «Давр». Ахборот дастури. 23.45 «Йўлбошчи». Бадийий фильм. 1.05 - 1.10 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара». 18.00 Мультфильм. 18.10 «Шаҳримиз дурдоналари». 18.25, 20.00, 21.30, 22.35 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.45 ТТВда сериал: «Индаба». 23-24 сериялар. 19.35, 21.15, 22.20 «Экспресс» телегазетаси. 19.50 «Эхтиром ила». 20.30 ТТВда сериал: «Бибилиска пул». 21.50 «Нима учун?». 23.00 Кинонигоҳ. «Катта». 00.30-00.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести». 16.25 «Шов-шув». Сериал. 17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.

17.25 Е. Петросяннинг Кулгу панорамаси. 18.00 «Оилавий ришталар». Сериал. 19.00 «Заиф бўгин». Шоу ўйин. 20.00 «Время».

20.35 «Тристан ва Изольда». Сериал. 21.20 «Х-спорт». 21.35 Кинематограф. «Вулқон». Бадийий фильм. 23.10 «Ахборот» (рус тилида) 23.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор». 9.30, 14.15 — Болалар соати. 10.25 «Тир на Ногнинг

сирли рицарлари». Сериал. 10.50 «Жанговор санъат олами». Спорт дастури. 11.20 «Иблис боласи». Телесериал. 12.05 «Сохта ном чиқарганлар». Сериал. 13.40 «Майами сендс». Телесериал. 15.10 Кундузги кинозал: «Нофелет қаерда?». 16.50 «Футурама». Мультсериал. 17.15 Ҳужжатли кино. «Таймслот». 18.10 «Петербург сирларининг ечилиши». Телесериал. 19.00 «30-канал» кинооқшом: «Совуқлик фактори». 21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.15 «Ошиқона». Муסיқий дастур. 21.30 «30-канал» кинооқшом: «Адолатпарварлик миссияси». 23.15 «Тез ёрдам». Сериал. 24.00 Ярим тунда спорт.

CHORSHANBA

15

«Ўзбекистон»

телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. 9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Афросиёб», «Бухоро - хунармандлар шаҳри».

9.20 «Куйла, ёшлигим». 9.40 «Фавкулудда 20 дақиқа». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар 10.05 Алифбо сабоқлари. 10.25 «Кузги марафон». Бадийий фильм.

11.55, 13.00, 13.25 ТВ анонс. 12.05 Болалар учун. «Фламинго». 12.30 Эстрада тароналари. 13.05 «Баркамол авлод орзуси».

13.30 «Ошин». Телесериал. 14.10 «Остонаси тиллодан». 14.30 Кундузги сеанс: «Икки соҳил». Бадийий фильм. 15.40 «Бу ажиб фасл». Телеальманах. 16.00 «Ягона оилада». 16.30 Теннис буйича «Фьючерс» халқаро турнири.

Болалар сайёраси:

17.00 1. «Шоирлар - болаларга». 2. «Кувноқ шаҳарча». 18.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари». 18.30 «Сихат-саломатлик». 18.50 «Ажаб саодат эрур». 19.10 «Мулк». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 Бир жуфт кўшиқ. 20.30 «Ахборот». 21.05 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М.

Асалхўжаева. 21.35 «Парламент вақти». 21.55 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.

Спорт дастури:

22.25 «Спорт, спорт, спорт». 22.40 Белбоғли кураш буйича халқаро турнир. 23.00 «ТВ клуб». 23.25 «Ахборот - дайжест». 23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар», «У ким? Бу нима?». 9.45 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал. 10.00 Давр-интервью. 10.15 Муסיқий лаҳзалар. 10.25 «Эсмеральда». Телесериал. 10.55 Таянч. 11.20 Фарзандим-жигарбандим. 11.35 «Жилванмаган Африка». Ҳужжатли сериал. 12.25 Ёшлар овози.

12.45 Болалар экрани: «Олтин қалит». 14.00 Муголаа. 14.15 Кўҳна оҳанглар. 14.25 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис. 15.05 Ватан манзаралари. 15.25 «Кўринмас одам». Бадийий фильм. 16.40 Автопатруль. 17.00 Кўрсатувлар дастури. 17.05 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Кичкинтой театри». 17.35 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал. 17.50 Чемпион сирлари. 18.10 «Далил ва шарҳ». 18.25 Оқшом наволари. 18.40 Каталог. 18.50 Олтин мерос. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.35 ТВ-анонс. 19.40 Сийрат. 20.00 Спорт-лото. 20.10 Очил дастурхон. 20.25 Ёшлик наволари. 20.45, 21.20, 22.35 Эълонлар 20.50 «Эсмеральда». Телесериал.

21.25 Ёшлар овози. 21.45 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал. 23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида - 23.50 «Давр». Ахборот дастури. 00.55-1.00 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани. «Жуманжи». 18-19 - сериялар. 18.05 «Аёл-она, мураббий, раҳбар» телеклуби. 18.25, 20.00, 21.30, 22.50 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.45 ТТВда сериал: «Индаба». 25-қисм (яқунловчи) 19.10 «Камолот фасли». 19.35, 21.15, 22.35 «Экспресс» телегазетаси. 19.50 ТТВда муסיқа. 20.30 ТТВда сериал: «Бибилиска пул». 21.50 «Дорихона эшитида». 23.15 Кинонигоҳ. «Оқ

тўфон». 00.55-1.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести». 16.25 «Шов-шув». Сериал. 17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.

17.25 «Пирлар». 18.00 «Оилавий ришталар». Сериал. 19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?». 20.00 «Время».

20.35 «Тристан ва Изольда». Сериал. 21.20 «Тарих кўзгуси». 21.40 Кинематограф. «Балиқ овида». Бадийий фильм. 23.05 «Ахборот» (рус тилида) 23.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор».

9.30, 14.15 — Болалар соати. 10.25 «Тир на Ногнинг сирли рицарлари». Сериал. 10.50 «Яхши кайфият». 11.20 «Иблис боласи». Телесериал. 12.05 «Сохта ном чиқарганлар». Сериал. 13.40 «Майами сендс». Телесериал. 15.10 Кундузги кинозал: «Табий сабаблар». 16.50 «Футурама». Мультсериал. 17.15 «Овақт шинавандалари учун саёҳат». Сериал. 18.10 «Петербург сирларининг ечилиши». Телесериал. 19.00 «30-канал» кинооқшом: «Алмаштирув. Сўнгги дарс». 21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.15 «Ошиқона». Муסיқий дастур. 21.30 Ҳинд киноси: «Омадсиз ўғирлик». 24.00 Ярим тунда спорт.

PAYSHANBA

16

«Ўзбекистон»

телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. Болалар сайёраси: 9.00 1. «Шоирлар - болаларга». 2. «Кувноқ шаҳарча».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар 10.05 «Мулк». 10.20 «Бинафшаранг шар». Бадийий фильм. 11.35 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари». 11.55, 16.40 ТВ клип. 12.05 «Спорт, спорт, спорт». 12.20 «ТВ-клуб». 12.45 «Кувноқлар ва зукколар». Телемусобақа. 13.25, 14.30, 15.50 ТВ анонс.

13.30 «Ошин». Телесериал. 14.10 «Ажаб саодат эрур». 14.35 Экранда - кинокомедия: «Бузоқ йили». 15.55 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М. Асалхўжаева. 16.25 «Харита». Халқаро шарҳ. 16.45 «Тилга эътибор».

Болалар сайёраси:

17.00 1. «Цирк, цирк, цирк». 2. «Беш бармоқ». Тележурнал. 18.10 «Истеъдод». Сухроб Кенжаев.

18.30 «Яхши ният». Телелоторрея. 19.05 «Инсон ва қонун». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 FCN «Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот». 21.05 Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти. 21.35 «Инсон манфаати». 21.50 «Рухият манзаралари». 22.20 «Кавингтон Кросс». Телесериал. 23.10 «Ахборот-дайжест».

23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Кичкинтой театри». 9.45 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал. 10.00 Тафаккур ёлқинлари. 10.15 Муסיқий лаҳзалар. 10.25 «Эсмеральда». Телесериал. 10.55 Спорт-ҳитаси (рус тилида)

11.25 Сенинг вақтинг (рус тилида) 11.45 Чемпион сирлари (рус тилида) 12.05 Сийрат. 12.25 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 13.15 Ёшлар овози. 13.35 Кўҳна оҳанглар. 13.45 Интерфутбол. 15.25 Сифат белгиси. 15.35 «Эмма». Бадийий фильм. 17.20 «Ўзбекистон дурдоналари». Хива. 17.30 Кўрсатувлар дастури. 17.35 «Янги авлод»

студияси: «Спорт майдончаси», «Келинг, танишайлик». 18.00 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал. 18.15 ТВ-анонс. 18.25 Табобат оламида. 18.45 Оқшом наволари. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.35 ТВ-анонс. 19.40 «Давр»-интервью. 19.55 Оддий одамлар. 20.15 «Ер ишқи». Муסיқий дастур. 20.30 Мезон. 20.50, 21.25, 22.35

Эълонлар
20.55 «Эмеральда». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳаси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида -
23.50 «Давр». Ахборот дастури.

00.55-1.00 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканал
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 «Хайрли оқшом».
18.25, 20.00, 21.30, 22.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТВда сериал: «Бу ҳам кино», 1-2 сериялар.
19.35, 21.15, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.

19.50 «Жозиба».
20.30 ТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.50 «Хамшаҳарлар».
22.50 Кинонигоҳ.
«Фарзандларим қаерда?»
00.20-00.25 «Хайрли тун, шахрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30-8.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.25 «Шов-шув». Сериал.

17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.25 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
18.00 «Оилавий ришталар». Сериал.
19.00 «Заиф бўғин». Шоу ўйин.
20.00 «Время».
20.35 «Тристан ва Изольда». Сериал.
21.20 «Соккер клуб».
22.40 FCN «Ўзбекистон

янгликлар» (инглиз тилида)
21.50 Кинематограф. «Шубҳасиз айбдор». Бадий фильм.
23.30 «Ахборот» (рус тилида)
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор».
9.30, 14.25 Болалар соати.

10.25 «Тир на Ногнинг сирли рицари» Сериал.
10.50 «Яши кайфият» мусиқий дам олиш дастури.
11.20 «Иблис боласи». Сериал.
12.05 «Сохта ном чиқарганлар». Сериал.
13.40 «Майами Сэндс». Сериал.
15.10 Кундузги киносеанс: «Трембита».
16.50 «Симпсонлар». Мультсериал.

17.15 «Кино, кино, кино».
18.10 «Петербург сирларининг енчилиши». Яқунловчи серия.
19.00 «30-канал» кинооқшом: «Овчи».
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.15 «Ошиқона». Мусиқий дастури.
21.30 «30-канал» кинооқшом: «Ўта ҳавfli жаноб Фрост».
23.15 «Тез ёрдам». Сериал.
24.00 Ярим тунда спорт.

JUMA

17

«Ўзбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Болалар сайёраси:
9.00 1. «Цирк, цирк, цирк».
2. «Беш бармоқ». Тележурнал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Мутлақ устунлик билан». Бадий фильм.
11.15 «Йиллар ва йўллар».
11.35 «Нафосат гулшани».
12.05 «Рухият манзаралари».
12.35, 13.10 ТВ анонс.
12.40 Кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати.
13.15 «Олам». Телеальманах.

13.50 ТВ клип.
14.10 «Озод юрт одамлари».
14.30 Кундузги сеанс: «Қимматга тушган хузур-ҳаловат». Бадий фильм.
15.50 «Фарзанд - умид юдузи».
16.15 «Муסיқа ва театр».
16.45 «Делугат».
«Болалар сайёраси».
17.00 «Ўйла, изла, топ». Телемусобақа.
17.40 «Нурли манзиллар».
18.10 «Тафсилот».
18.25 «Омад кувончи». Телелоторея.
19.05 «Хидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Тиббиёт одимлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
21.25 «Долзарб мавзу».
21.40 «Ўзбекистон» каналда

илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.10 «Олтин бешик».
22.35 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
22.55 Каратэ бўйича халқаро турнир.
23.15 «Ахборот - дайжест».
23.35 - 23.40 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси». «Келинг танишайлик».
9.40 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
9.55 «Давр-интервью».
10.10 Мусиқий лаҳзалар.
10.20 «Эмеральда». Телесериал.
10.50 Мезон.
11.10 Ёшлар овози.
11.30 Болалар экрани: «Мис тоғ бекиси».
12.50 Оддий одамлар.
13.10 Интерфутбол.
14.50 Кўҳна оҳанглар.

15.00 «Оила сирлари». Бадий фильм.
16.25 Ўзбегим кураши.
16.45 Хайрат.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: «Ҳамма нарсани бишлини истаيمان». «Олтин калит».
17.35 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
17.50 Автосалтанат.
18.05 Ёшлар овози.
18.25 Хуқуқ ва бурч.
18.45 Оқшом навалари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 Тв-анонс.
19.40 Аскар мактублари.
20.00 Аср қиёфаси.
20.20 Ёшлик кўшиқлари.
20.40, 21.15, 22.35 Эълонлар
20.45 «Эмеральда». Телесериал.
21.20 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.40 «Муҳаббат қаҳаси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари.
00.05 «Давр». Ахборот дастури.
00.20-00.25 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканал
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Мультфильм.
18.10 «Спорт ва болалар».
18.25, 20.00, 21.15, 22.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТВда сериал: «Бу ҳам кино». 3-4 сериялар.
19.35, 21.00, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 Мусиқий танаффус.
20.30 «Ўзбегим навоси».
21.35 ТВда сериал: «Бебилиска пул».
23.00 Кинонигоҳ. «Чақмоқ доvon».
00.30-00.35 «Хайрли тун, шахрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30-8.00

16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.25 «Шов-шув». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.25 «Ўзим биламан». Ҳажвий дастури.
18.00 «Оилавий ришталар». Сериал.
19.00 «Муъжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.35 Том Круз «Коктейль» фильмида.
22.30 «Дурдаршан».
22.55 Кинонинг олтин асри: «Канар маликаси». Бадий фильм.
00.10 «Ахборот» (рус тилида)
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор».
9.30, 14.15 — Болалар соати.

10.25 «Тир на Ногнинг сирли рицарлари». Сериал.
10.50 «Сухбатдош». Дам олиш дастури.
11.20 «Иблис боласи». Телесериал.
12.05 «Сохта ном чиқарганлар». Сериал.
13.40 «Майами сендс». Телесериал.
15.10 Кундузги кинозал: «Яшил карета».
16.50 «Симпсонлар». Мультсериал.
17.15 «Шокид». Хужжатли сериал.
18.10 «Гусарнинг ўйланиши». Мусиқий фильм.
19.00 «30-канал» кинооқшом: «Ёловчи».
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.15 «Ошиқона». Мусиқий дастури.
21.30 «30-канал» кинооқшом: «Тозаловчи».
23.15 «Тез ёрдам». Сериал.
24.00 Ярим тунда спорт.

SHANBA

18

«Ўзбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси».
9.00 «Ўйла, изла, топ». Телемусобақа.
9.40 «Хидоят сари».
10.00 «Ўзбектеlevision» намойиши: «Муסיқа оҳанглари».
10.15, 11.20 ТВ анонс.
10.20 «Тафсилот».
10.35 «Олтин бешик».
11.00 Каратэ бўйича халқаро турнир.
11.25 «Умр мазмуни».
11.35 ТВ-1 кинотеатри: «Самурайлар байроғи». Бадий фильм. 1-қисм.
12.40 «Дунё эшиклари очилди бизга».
13.00, 15.50 ТВ клип.
13.10 «Самурайлар байроғи». Бадий фильм. 2-қисм.
14.20 «Маърифат».

Телеальманах.
14.40 «Ўзбекистон бастакорлари».
«Адабий жараён»:
15.05 1. «Езувчи ва замон».
2. «Шеър ва шуур».
3. «Дунё адабиёти».
16.00 «Ягона оилада».
16.30 «Ўзбек спорти одимлари».
16.50 Болалар учун.
«Миттвийлар оиласи».
17.10 «Бахтимизга омон бўлинг».
17.30 «Бадий кенгашдан сўнг».
Болалар сайёраси:
18.00 «Муъжизалар майдончаси». Телешоу.
18.55 «Пазандлик сирлари».
19.05 «Қишлоқ ҳаёти».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгликлар» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Кўшигимиз Сизга

армуғон».
21.25 «Соғлом она - соғлом бола».
21.45 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати.
«Трактор» - «Нефтчи».
22.35 «ТВ-альманах».
22.55 «Ахборот - дайжест».
«Тунги ёғду. Дам олиш дастури»:
23.15 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба.
«Жигарбандим ёди».
00.45-00.50 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Ҳамма нарсани бишлини истаيمان». «Олтин калит».
9.25 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
9.40 Табобат оламида.
10.00 Бир ўлкаки.
10.20 «Эмеральда». Телесериал.
10.50 «Жозиба» гуруҳи куйлайди.
11.05 Аср қиёфаси.
11.25 Юлдузлар чехраси.
11.55 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари.
12.55 Мусиқий лаҳзалар.

13.05 Бола тилидан.
13.35 «Ғалаба онлари». Бадий фильм. 1-қисм.
14.20 Ёшлар овози.
14.40 Кўҳна оҳанглар.
14.55 Синфдош.
15.15 «Экспедиция». Хужжатли сериал.
16.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.
16.45 «Рамаёна». Телесериал.
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
17.50 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
18.05 Кўшуқуқ.
18.20 Футбол плюс.
18.40 Оқшом навалари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 Тв-анонс.
19.40 Каталог.
19.55 Давр-интервью.
20.10 «Аёл қалби навалари». Шаҳнозабон.
20.30, 21.20, 22.35 Эълонлар
20.35 «Жули Леско». Телесериал. 1-қисм.
21.25 Ватан ҳақида кўшиқ.
21.30 Кутилмаган меҳмон.

21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 Тунги тароналар.
22.50 Кинотакдим.
23.10 «Ёшлар» телеканалдан премьераси: «Маймунлар қироли». Бадий фильм. 1-қисм.
00.40-00.45 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканал
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Мультнархалак».
17.40 «Жаҳон географияси».
18.25 «Мисли гавҳар».
18.40 «Саломатлик маскани».
18.55, 20.35, 21.10 «Экспресс» телегазетаси.
19.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.30 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
20.10 «Мушоҳада».
20.50 «Ташриф».
21.25 «Нима учун?»
21.55 Кинонигоҳ.
«Амазония».
23.20-23.25 «Хайрли тун, шахрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30-8.00
8.00 Кўрсатувлар тартиби.
8.05 «ТВ-4да муסיқа».

8.15 «Оилавий ришталар». Сериал.
9.15 «Ўзим биламан». Ҳажвий кўрсатуви.
9.45 «CF янгликлар».
9.55 «Инглиз тили Сиз учун».
10.20 «До-ми-соль шоу».
11.20 «Татьяна Полонская билан бирга».
11.40 Дўстлик видеоканали: «Умид», «Чинсан», «Бизнен мирас».
12.40-13.10 «Немис тили».
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Мульттақдим».
16.55 «Бинафша».
17.15 «Ҳикоя».
17.35 CF тақдим этади: «Бешички ўлов».
18.00 «Оилавий ришталар». Сериал.
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?»
20.00 «Время».
20.35 «Нима? Қаерда? Қачон?»
21.45 «7 дан 70 гача».
22.15 «Ассалом Франция!»
22.30 «Мюзик холл».

22.55 Кинематограф. «Матильда». Бадий фильм.
00.15 Ахборот (рус тилида)
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор».
9.30 «Малика Сиси». Мультсериал.
10.00 Болалар учун фильм.
11.30 «Твистнинг кувноқ оиласи». Телесериал.
12.00 Оилавий кино: «Фантомас».
13.40 «Баффи». Телесериал.
14.30 Ҳинд киноси: «Ака-ука учун».
16.40 «Яширин камера билан». Юмор дастури.
17.00 «Дискавери соати». Сериал.
18.10 «30-канал» кинооқшом: «Тимсоҳ Данди Лос-Анжелесда».
19.50 «Ошиқона». Мусиқий дастури.
20.00 «Вовочка». Сериал.
21.00 Детектив соати.
21.45 «30-канал» кинооқшом: «Супермия».
23.30 Мусиқий дастури.

Yakshanba

19

«Ўзбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.10 «Фаройбот».
9.30 «Мюнхаузеннинг саргузаштлари». Мультфильм.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Соз сеҳри». Анвар Иноков.
Болалар сайёраси:
11.30 «Муъжизалар майдончаси». Телешоу.
12.25 «Пазандлик сирлари».
12.35 «Она меҳри».
12.55 «Тати Даниэл». Бадий фильм.
14.40 «Кувноқ стартлар». Телемусобақа.

15.15 ТВ анонс.
15.20 «Қалб гавҳари».
15.40 ТВ клип.
15.45 «Муҳофаза».
Болалар сайёраси:
16.00 1. «Болаликнинг мовий осмони».
2. «Олтин тож».
17.00 «Ок олтин».
Телелоторея.
17.40 «Талабалик йилларим».
18.00 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати.
«Пахтакор» - «Андижон».
Пахтакор марказий стадиондан олиб кўрсатилади. 2-тайм.
18.50 Бир жуфт кўшиқ.
19.05 «Туртинчи ҳокимият».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оламга саяҳат». Кинокурсатув.
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Қизлар давраси».

Якшанба кинозал:
22.40 «Кино оламида».
23.00 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ниқоблар». Бадий фильм.
00.30-00.35 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Ким эпчил-у? Ким чақон?»
9.25 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
9.40 Футбол плюс.
10.00 Давр-интервью.
10.15 Мусиқий лаҳзалар.
10.25 «Зинама-зина».
10.55 Очил дастурхон.
11.10 «Ёшлар» телеканалда ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марди майдон 2. Аскар мактублари.
11.50 «Ёшлар» телеканалда спорт: «Нокаут».
12.15 Қарақалпоқ навалари.
12.35 Футбол-2002.
13.15 «Ғалаба онлари». Бадий фильм. 2-қисм.
14.00 Кишлоқдаги тенгдошим.

14.20 «Экспедиция». Хужжатли сериал.
15.10 Кўҳна оҳанглар.
15.20 Спорт ҳафтаномаси.
15.35 «Рамаёна». Телесериал.
16.10 Кўрсатувлар дастури.
16.15 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси», «Болалар шерьияти».
16.40 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
16.55 Ёшлар куйлайди.
17.10 Якшанбада кўришгунча.
17.25 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
18.15 Очун.
18.40 Оқшом навалари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.20 Тв-анонс.
19.25 Оила тилсимми.
19.45 Мусиқий лаҳзалар.
19.55, 20.45, 22.30 Эълонлар
20.00 «Жули Леско». Телесериал. 2-қисм.
20.50 «Заковат» интеллектуал ўйини.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр ҳафта ичида».
22.35 Тунги тароналар.
22.45 «Маймунлар қироли».

Бадий фильм. 2-қисм.
00.15-00.20 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканал
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Эртақларнинг сеҳрли олами».
19.05 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
19.45, 21.10, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.
20.00 «Пойтахт шарҳи».
20.25 «Жаҳон географияси».
21.25 «Телефакт».
21.35 «Кўркем ўлкам».
22.05 «Мусиқий лаҳзалар».
22.15 «Спорт-клуб».
22.35 Кинонигоҳ.
«Интервью».
00.15-00.20 «Хайрли тун, шахрим!»
«Халқаро» телеканал
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-4да муסיқа».
9.10 Д. Криловнинг «Йулда ёзилмаган қайдлари».
9.30 «Ҳамма уйдалигида».
10.05 «Кайфият». Информацион дам олиш дастури.

11.35 FCN «Ўзбекистон янгликлар» (инглиз тилида)
11.45 Болалар соати: «Евуз бўрининг саргузаштлари». Мультфильм.
12.45 «Парле ву франсез?»
13.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
13.30 «Фан тайм».
13.40-14.40 «Дўстлик» видеоканали: «Рангинкамон», «Дидар».
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Мульттомоша».
16.30 «Лего-ленд». Болалар учун шоу ўйин.
17.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» - «Андижон». Пахтакор марказий стадиондан олиб кўрсатилади. 1-тайм.
17.55 «Аншлаг».
18.45 «Британия кундалиги».
19.05 «Тенгдошлар».
19.35 «Олтин микрофон». Мусиқий дастури.
20.00 «7 кун». Ҳафта яқунлари.
20.25 «В. Меладзе иштирокидаги концерт дастури».

21.30 «Кинопрофи».
21.55 Кинематограф. «Келажакка қайтиб-2». Бадий фильм.
23.35 «Тахлилнома».
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 11.30, 17.45, 20.30 Телехамкор.
9.30 «Малика Сиси». Мультсериал.
10.00 Фильм - болаларга. «Мўйлабни энага».
12.00 Оилавий кино. «Фантомас газабда».
13.40 «Баффи». Сериал.
14.30 Кундузги кинозал: «Кубань казаклари».
16.10 «30-канал»да қизқарли учрашувлар.
17.00 «Ўз ўйини».
18.10 «30-канал»да кинооқшом: «Кузги марафон».
19.50 «Ошиқона». Мусиқий дастури.
20.00 «Агентлик». Сериал.
21.00 Детектив соати.
21.45 «30-канал»да якшанба кинооқшом: «Сув дунёси».

Sport

Sport

Sport

ЁШЛАР ФУТБОЛИ БАЙРАМИ

Тошкентдаги «Жар» спорт мажмуида Осиё чемпионати-нинг ўсмирлар ва ёшлар терма жамоалари саралаш турнири бўлиб ўтди. Ўсмирлар турнирида Ўзбекистон, Шри Ланка, Қирғизистон футболчилари иштирок этдилар.



Ўзбекистон терма жамоаси биринчи учрашувда Шри Ланка футболчиларига қарши баҳс юритиб, майдонда тўла устунликка эришдилар. Туртинчи дақиқадаёқ футболчиларимиз ҳисобда олдинга чиқиб олдилар. Баҳодир Хусанов 25 метрлар чамаси масофадан тўпни зарб билан дарвозага аниқ йўллади. Марат Бикмаев эса, ўз шериклари ҳужумини самарали яқунлаб, ҳисобни 2:0га етказди. «Пахтакор» жамоаси ўринбосарлар таркибида тўп сураётган Акмал Суяров 75- ва 85-

дақиқада рақиб дарвозасини забт этди.

Шри Ланка футболчилари турнирнинг биринчи учрашувини Қирғизистон футболчилари билан ўтказиб, 1:1 ҳисобида дуранг натижага эришган эдилар. Иккинчи учрашувда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Қирғизистон футболчиларини 6:2 ҳисобида енгиб, гуруҳ ғолиблигини қўлга киритди. Улар энди Бирлашган Араб Амириклариди октябрь ойида ўтказиладиган Осиё чемпионатининг финал қисмида баҳс юритадилар.

Ёшлар терма жамоамиз биринчи учрашувда Туркменистон футболчиларини 7:0 ҳисобида мағлуб этди. Улар кеча биринчи учрашувда туркманларга бой берган Непал футболчилари билан баҳс юритдилар. Ушбу гуруҳ ғолиби Қатарда ўтказиладиган Осиё чемпионатининг финал қисмида иштирок этади.

Талъат ЮСУПОВ.

"ФЬЮЧЕРС" БАЙРОФИ КЎТАРИЛДИ

Наманган шаҳридаги "Дўстлик" теннис спорт мажмуасида халқаро "Фьючерс" турнири бошланди.

Унда Франция, АҚШ, Швейцария, Япония, Хитой, Исроил, Финландия, Украина, Белоруссия, Россия, Словакия, Хорватия, Хитой-Таиланд, Қозоғистон, Грузия сингари йигирмадан ортиқ мамлакатдан келган 100 дан зиёд теннисчи бир ҳафта давомида ўзаро куч синашади.

Эпчиллик ва юксак маҳоратни ўзида мужасам этган теннис турнири кизиқарли ва муросасиз курашларга бой бўлиши кутилмоқда. Мазкур турнир теннис оламида иқтидорли теннисчиларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлашда катта аҳамият касб этади.

ЎЗА МУХБИРИ.

«САЙМАН» ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРИГА ИНТИЛМОҚДА

«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясининг Ўзэнергосотиш шўъба корхонасида Қозоғистоннинг «Сайман» ёпиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган электр ҳамда сув ўлчачиқ асбобларнинг тақдими ўтказилди.

«Сайман» ЕАЖ 1992 йилда хусусий тартибда, электр ўлчовчи ускуналарни ишлаб чиқариш мақсадида ташкил этилган эди, — деди корхона бош директори Сагин Тажикенов. — Ишлаб чиқаришда Литва, Франция ва бир қатор Европа фирмалари билан ҳамкорлик қиляпмиз. Утган ўн йилда корхонамиз электр энергияни ўлчовчи замонавий асбобларни ишлаб чиқаришда сезиларли ютуқларга эришди.

Корхона йилга 200 мингдан зиёд электр ўлчов асбоблари ишлаб чиқариш қувватига эга. Шунингдек, «Сайман»нинг электрон электр ўлчаш ускуналари техникавий таснифи, дизайни бўйича жаҳондаги энг яхши намуналардан сира ҳам қолишмайди. Нархлари эса анча арзон.

Шуни қайд этиш лозимки, яқиндан бошланг корхона Италиянинг Маддалена фирмаси билан ҳамкорликда иссиқ ва совуқ сувни ўлчовчи асбобларни ҳам оммавий равишда ишлаб чиқара бошлади. «Сайман» корхонаси 2002 йилда ўз маҳсулотларини ISO 9000 тизими бўйича сертификатлашни ўз олдига мақсад қилиб қўймоқда.

«Туркистон-пресс».

Зангиота туманидаги Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «Шохрух Муҳаммад» хусусий корхонасига қарашли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчасида қачон қараманг, машиналар турнақатор бўлиб туради. Уларга қараб навбатчи оператор Радик Дашкиннинг танаси яйрайди. Ҳар бирдан икки-уч литрдан уриб қолса ҳам кечгача бир тоннача бензин йиғилиб қолади. Уни пулга чақсангиз...



иши кўзгатилди. Шаҳобчага нисбатан эса, нақд пул ҳисоб-китобларини назорат-касса машинаси-сиз амалга оширилганлиги учун энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдорида молиявий жарима қўлланилди. Қингир

КИССАНИ ЎЙЛАБ, КАССАНИ ЧЕТЛАБ...

Радик шу хаёллар билан навбатдаги машинага бензин қуя бошлади. Афсуски, бу машина назоратда экан. 25 литр деб қуйилган А-76 русумли бензин қайта ўлчаб кўрилганда 22,2 литр чиқди. Демак, Радик харидор ҳақидан 2,8 литр уриб қолибди. Бу салкам 600 сўм деган гап. Шу ҳолат сабаб бўлиб солиқ хизмати ходимлари кассадаги савдодан тушган нақд пул қолдигини ҳисоб-китоб қилишга киришдилар: бир миллион 336,7 минг нақд савдо пули назорат-касса машинасида ўтказилмабди. Ушбу ҳолат юзасидан дарҳол далолатнома тузилиб, қонуний чора кўриш учун туман прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлимига юборилди ва тўпланган материаллар асосида Р.Дашкинга нисбатан жиноят

ўйлар билан топилган даромад шу тариха қўли эгри Дашкинга ҳам, шаҳобчага ҳам буюрмади.

Қани энди бундай жазолар нафси ҳалак отаётган нопок тижоратчилар кўзини очса, уларни ҳам инсоф сари бошласа. Афсуски, пул деса, ўзини томдан ташловчи кўзи оч кимсалар қўлга тушмаган ўғри ўғри эмас, дея бошлари деворга урилмагунча беш панжани оғзига тикишда давом этаверадилар.

Ҳам бўйидан, ҳам энидан уришга устаси фаранг бўлиб кетган учар тижоратчилардан яна бири Бўка туманида қўлга тушди. Туман матлубот ҳиссадорлик жамиятига қарашли 66-дўкон мудир Д. Акбарова ўша куни 5 килограмм пахта ёғини бир литрли идишда ўлчаб сотиб, харидор ҳақидан 335 сўм уриб қолгани етмаганидек, савдо пулини назорат-касса машинасида ўтказмади ҳам. Солиқчилар ҳисоблаб

қарашса, шу куни назорат-касса машинасида фойдаланмай 50,3 минг сўмлик савдо қилинган экан. Дўконда савдо қоидаси қўпол равишда бузилганлиги учун энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдорида молиявий жарима қўлланилди. Шундай жазога Оҳангарон тумани «Эйвалек» кўрғонига жойлашган «Ниҳол» фирмаси ҳам муносиб деб топилди. Чунки, туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари ўтказган рейд давомида фирма сотувчиси М.Бердикулова харидорга савдо хизмати кўрсатиб, унинг ҳақидан 1500 сўм уриб қолган-

Солиқ ҳаёти

ни инкассация қилиш учун шартнома ҳам тузилмаган экан.

Ушбу ҳолат юзасидан туман давлат солиқ инспекцияси амалдаги қонунчиликка мувофиқ корхона нақд пул ҳисоб-китобини назорат-касса машинасида амалга оширилганлиги учун энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдорида молиявий жарима қўллади. Бошқа ҳолатлар бўйича суриштирув ишлари олиб борилмоқда. Тошкент вилояти солиқ хизмати ходимлари нақд пул тушумларини банкларга тўлалигича ўтказишнинг бошқа йўллари ҳам изляптилар. Улар белгиланган нақд пул касса тушуми режасининг бажарилишини таъминлаш мақсадида нақд пулга ишловчи савдо шаҳобчаларида тушаётган тушумлар миқдорини кузатиб бормоқдалар ва натижа бўйича жойлардаги пул-кредит комиссияларига таклифлар киритмоқдалар. Ўтган ойларда нақд пулга ишловчи 185 та субъект фаолияти кузатилди. Шунда бир кунлик белгиланган касса режасига нисбатан 3 миллион 747,7 минг сўм кўп тушум бўлганлиги аниқланди ва жойлардаги пул-кредит комиссияларига белгиланган касса режасини қайта кўриб чиқиш таклиф этилди. Кўрилган қўшимча чора-тадбирлар туфайли 2002 йилнинг биринчи чораги учун белгиланган касса режаси 119,5 фоизга адо этилди. Савдо тушумлари банкларга тўлиқ топширилишини таъминлаш юзасидан саъй-ҳаракатлар давом этмоқда.

Жасур НОСИРОВ,
Давлат солиқ кўмитаси
матбуот хизмати бош
мутахассиси.

«ТОШКЕНТВИЛОЯТЛУГҲУЖИСАВДО»

Ўз акционерларига шуни маълум қиладики, акционерларнинг умумий йиғилиши шу йилнинг 12 июнь куни соат 15.00да Тошкент шаҳар Сергели-4 мавзеси, Қипчоқ кўчаси, 56 А уйда бўлиб ўтади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Кузатув кенгаши, тафтиш комиссиясининг таркибини ўзгартириш.
2. Низом жамғармасини аниқлаш ва тасдиқлаш.
3. Ҳиссадорлик жамиятининг 2001 йилдаги хўжалик-молиявий фаолияти яқунларини тасдиқлаш.
4. Йиллик ҳисоботларни, бухгалтерлик балансини, фойда ва зарарларни, тафтиш комиссияси актини, аудитор хулосасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.
5. 2002 йил учун аудиторни тасдиқлаш.
6. Бошқа масалалар.

Иқтисодчи талабалар танлови

Банк-молия академиясида "Экономическое обозрение" (Иқтисодий шарҳ) журнали соврини учун иқтисодчи талабалар ўртасида ўтказилган танлов натижалари бўйича ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Иқтисодий тадқиқотлар маркази (ИТМ) томонидан нашр этиладиган журнал тахририяти Инсон ресурсларини ривожлантириш Ўзбекистон-Япония марказида Тошкент олий ўқув юртлиги иқтисодий мутахассисликлари талабалари ўртасида танлов ўтказди. Ташкилотчиларнинг вазифаси иқтисодий таълимни қўллаб-қувватлаш ва тарғиб қилиш, ёшларнинг ўқишга кизиқшини рағбатлантиришдир.

ЎЗА мухбирига ИТМдан хабар беришларича, танловда Тошкентнинг 14та университе-

ти ва институтидан 68 нафар 1-4-курс талабаси иштирок этди.

Мукофот жамғармаси ИТМнинг молиявий кўмагида ташкил этилган эди. Танлов ғолибларига телевизор, аудиотизим ва видеомагнитофон топширилди. Танловнинг биринчидан ўнинчигача ўринларини эгаллаган кўллаб-қувватлаш ва тарғиб қилиш, ёшларнинг ўқишга кизиқшини рағбатлантиришдир.

ЎЗА.

XVII asr va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Eng so'nggi xabarlar

КАСПИЙСК ФОЖИАСИ

Халок бўлганлар қирқдан, жароҳатланганлар эса юз эликдан ортиқ. Россияда кенг нишонлашга киришилган ғалаба байрами — 9 май куни Доғистоннинг Каспийск шаҳридаги марказий майдонда амалга оширилган террорчилик ҳаракатининг оқибати шу.

Кўпоровчилик натижасида касалхоналарга ётқизилганларнинг аксарияти оғир аҳволда бўлгани туфайли вақт ўтиши билан қурбонлар сони ортмоқда.

СЎРОВНОМА НАТИЖАЛАРИ

«Ижтимоий фикр» жамғармаси Россия халқларининг сиёсатдонларга муносабатини аниқлаш мақсадида навбатдаги сўровномани ўтказди. «Шу яқин ўртада президент сайлови ўтказилган тақдирда ким учун овоз берар эдингиз?» Бу саволга икки мингга яқин респондентнинг 51 фоизи Владимир Путин учун овоз беришини билдирди. Энг кўп овоз олган учликда Г.Зюганов билан О.Тулеев ҳам бор.

ТЕРРОРЧИ ТАСЛИМ БЎЛДИ

Истамбулнинг «Мармар» меҳмонхонасида чечен миллатига мансуб террорчи беш рус сайёҳини бир ярим соат гаров сифатида ушлаб турди. Фақат махсус кучлар ҳужумга тайёргарлик кўра бошлагандан кейингина у гаровга олинган кишиларни қўйиб юбориб, ўзи таслим бўлди.

ТАЛОФАТСИЗ ЁНГИН

Краков яқинидаги нефтни қайта ишлаш заводида катта ёнгин содир бўлди. «Орлен» компаниясига тегишли ушбу заводни кучли вайронагарчиликдан ўт ўчирувчилар аранг сақлаб қолди. Ёнгин туфайли ҳеч ким жароҳатланмади.

ЎЗГАРИШЛАР УМИДИ

Эрон ташқи ишлар вазири Камол Харрозий Токиода Япония ташқи сиёсат мақкамаси раҳбари Иорико Кавагути билан музокара ўтказди. Кузатувчилар ушбу учрашув АҚШ ва Эрон ўртасидаги алоқаларни яхшилашга хизмат қилади, деган фикрни баён этмоқда. Мухбирлар билан учрашувда, И. Каварагути Эрон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларда ижобий ўзгаришлар юз беришига қаттиқ умид боғлаётганини алоҳида таъкидлади.


ФАРЗАНД КЎРИШ БОРАСИДА

1640-1727 йилларда яшаган Марокаш султони Малай Исмоил фарзанд кўриш борасида рекорд натижа ўрнатган. Унинг 888 нафар фарзанди бўлиб, шундан 548 таси ўғил, 340 нафари киз бола бўлган. У фарзандларининг ҳаммасини яхши кўриб, уларнинг туғилган кунларида совғасалом улашадиган махсус хизматчи ҳам тайинлаган.



ЭНГ ЭСКИ ЕР ОСТИ ЙЎЛИ

Дунёдаги энг кўхна ер ости йўли Европада қурилган. У Франциянинг Тулан шаҳрида 1681 йилда барпо этилган. Қизиги шундаки, бу ер ости йўлидан ҳозиргача фойдаланилар экан. Ушбу лаҳминг узунлиги 157, эни 7, баландлиги эса, 8 метрга тенг. Бу йўл мустаҳкам қурилганлиги учун шу пайтгача бирор марта ҳам таъмирланмаган, ҳатто бунга эҳтиёж ҳам сезилмаган.



(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Шарҳловчи минбари

ИСРОИЛ:

РИШОН-ЛЕЦИОН ФОЖЕАСИ

8 май Исроил учун яна бир даҳшатли фожеа билан бошланди. Пойтахт Тел-Авивга яқин Ришон-Лецион шаҳридаги тунги клубларнинг бирида даҳшатли террорчилик ҳаракати амалга оширилди. Натижада 16 киши ҳалок бўлиб, олти мишга яқин одам жароҳатланди. Уларнинг ярми оғир аҳволда касалхонага ётқизилди. Фожеа юз берган жойда қутқарув ишлари қийин кечяпти. Чунки портлаш бинонинг учинчи қаватида юз берган эди.

Ришон-Лецион мамлакатдаги энг тинч шаҳарлардан бири ҳисобланарди. Фаластин интифодаси бошлангандан буён у ерда бирор марта ҳам террорчилик амалга оширилмаган эди. Энди ана шундай сокин шаҳарга ҳам террор шарпаси етиб келди.

Бир ойча аввал Нетания шаҳрида амалга оширилган террорчилик ҳаракати ҳали исроилликларнинг хотиридан кетгани йўқ. Ўшанда йигирмадан ортиқ одам қурбон бўлган эди. Бу кўпоровчилик нафақат минтақа аҳлини,

балки халқаро ҳамжамиятни ҳам қаттиқ ғазабга келтирди. Шундан кейин Исроил армияси Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида "Химоя девори", деб аталган кенг кўламли ҳарбий операцияни бошлаб юборди. Кузатувчилар фаластинлик террорчилар "Химоя девори" операцияси ниҳоясига етгандан кейин Исроил томонига ағдаршаҳарларида яна кўпоровчиликларни давом эттиради, деган фикрни билдириб келди. Таассуфки, Ришон-Лецион воқеаси ушбу башоратни қутқарган анча эрта тасдиқлаб турибди.

Ушбу хунрезлик учун жавобгарликни ХАМАС ўз зиммасига олди.

Ташкилот раҳбарларидан бири Азиз Рантисийнинг айтишича, террорчилик "Изеддин Ал-Қосим бригадаси" жангарилари томонидан амалга оширилган. Яна бир маълумот — Ришон-Лециондаги террорчилик бош вазир Ариэл Шароннинг Вашингтонда президент Жорж Буш билан музокараси бошланган дақиқаларда амалга оширилди. Натижада Ариэл Шарон музокарани шу заҳотиёқ тўхтатиб, ватанига қайтишга мажбур бўлди.

Ариэл Шарон террорчиликка қарши бундан кейин ҳам кескин чоралар кўришини маълум қилар экан, ушбу хунрезликда Фаластин маъмуриятини айбламоқда. Ўз навбатида Фаластин маъмурияти раҳбарияти ҳам Ришон-Лецион фожеасини қаттиқ қораламоқда. Бироқ, маъмуриятнинг Иордан дарёси ғарбий соҳилидаги хавфсизлик хизмати раҳбари Жаброил Ражаб ушбу террорчилик бўйича барча айбни Исроил томонига ағдарди. У исроилликлар фаластинликлар билан куч ишлатиб мурося қилиб бўлмаслигини, Фаластинда тинчлик бўлсагина Исроилда ҳам тинчлик бўлишини тушуниб етиши керак, деди.

Хуллас, Яқин Шарқдаги беқарорлик ва кетма-кет уюштирилаётган хунрезликларга куч ишлатиш ёки ўзаро айбловлар билан эмас, фақат тинч музокаралар йўли билан чек қўйиш мумкинлигини Ришон-Лецион фожеаси яна бир бор тасдиқламоқда.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси.



Хитой манзараси.

Турфа олам

Турфа олам

МИТТИ ТЕЛЕВИЗОР

«Касио» фирмаси энг митти ва энгил «Си-Ви-1» деб номланган телевизор яратди. Бу телевизорни Япониянинг турли шаҳарларидаги дўконлардан харид қилиш мумкин. Жажжи ойнаи жаҳоннинг экран диагонали 3,57 см.ни ташкил этади. Баландлиги эса, 9,1, эни 6, қалинлиги эса 2,4 см. 170 граммли бу матоҳни бемалол чўнтакка солиб юриш мумкин ва хоҳлаган жойингизда, истаган кўрсатувингизни томоша қилсангиз бўлади. У батареяда ҳам, машина аккумуляторида ҳам ишлайверади.



КЕКСА ҚАРАҒАЙ

Америка Қўшма Штатларининг Невада штати шарқий тоғларида олимлар кекса қарағайга дуч келишди. Бу дарахт ер сатҳидан 3275 метр баландликда ўсган бўлиб, танасининг диаметри 6,4 метр, баландлиги эса 5 метрга тенгдир. У 4900 йил умр кечирган.



Буюк ипак йўли – дўстлик йўли

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида "Ипак йўли – дўстлик йўли" биринчи халқаро фестивалини ўтказишга бағишланган йиллиқ бўлиб ўтди.

– Фестивалда Буюк ипак йўли ўтган ҳудудда жойлашган мамлакатларнинг юртимизда фаолият кўрсатаётган элчихона ҳамда миллий маданий марказлари вакиллари иштирок этади, – деди хара-

кат марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Қ. Куронбоев ЎЗА мухбирига. – Қатнашчилар икки босқичда тайёрланган дастурни намойиш этади. Унда ҳар бир юртининг тарихи, ўзига хос урф-одатла-

ри, миллий либослари ва санъати ўз ифодасини топади.

Тадбирни ўтказишдан мақсад – асрлар давомида миллатлараро тотувлик, дўстлик, ҳамкорлик ришталари мустаҳкамланишида, миллий маданиятлар ҳамда иқтисодий муносабатлар ривожига Буюк ипак йўлининг тутган аҳамиятини яна бир қарра намойиш этишдан иборатдир.

ЎЗА.

Bolalik bog'i


Yog'ochdan silliq tani.

Ilma-teshik badani.

Bag'ridan o'tsa havo,

Taralar mayin navo.

(ЛеН)



Ikki cho'p qo'lda o'ynar.

Tushsa raqs ming bir o'ylab,

Ajoyib kuy taralar.

Dillarni xo'p yayratar.

(ШаНб)

8-саҳифа меҳмони

Халқимиз орасида «Илми сув қилиб ичиб юборган», «Қўлидан келмайдиган хунар йўқ» деган иборалар юради. Бу сингари сифатлашлар иқтидорли кишиларнинг маҳоратига, топқирлигига, қолаверса, улкан истеъдодига берилган юксак баҳо бўлса ажаб эмас. Бу галги суҳбатдошимиз ана шундай тиниб-тинчимас, ишбилармон олимларимиздан биридир.

Демак, танишинг: техника фанлари доктори, профессор Аъзамжон Азимов! У қайси соҳага уринмасин, бу хоҳ кончилик бўлсин, хоҳ техника, фуқаролар авиацияси, вертолётларда юк ташиш ғояси бўлсин... барчасини бирдай эплайди. Фазилатларини санаб саногога етолмайсиз. Айниқса, бадий ижод борасидаги сермаҳсулликни айтмайсизми.

– Аъзамжон ака, кончилик бўйича мутахассиссиз. Газетхонларимиз эса, сизни кўпроқ «Сирли қадах», «Унутилмас дамлар», «Бобурийларнинг машҳур жавоҳирлари», «Сирли гавҳар» сингари, қимматбахо тошлар, олмослару жавоҳирлар ҳақидаги бир-биридан гаройиб ҳикояларингиз орқали танишади. Хатто муштарийларимиздан бири «Азимов фантаст ёзувчиси?» деб ажабланганини сизга айтиб, қулишгандик.

– Болалигим Тошкентнинг Шохдонтена мавзесида ўтган. Жойнинг номига эътибор беринг. Хуллас, Мамарасул Бобоев, Назир Сафаров, Жуманиёв Шарипов каби ёзувчиларга қўшни эдик. Тўғриси айтсам, етти ёшимда тирик Ҳамид Олимжонни кўрганман. Эртаю кеч ёзувчиларга эргашиб юраддим. Уларга хавас қилиб, пьесалар ёзганман. Хатто Назир аканинг рағбатлари билан 1952 йили Ёш томошабинлар театрида «Булутли кунлар» номли пьесам ҳам қўйилган. Ушанда ўн тўрт ёшда эдим чоғи.

Зоҳиджон Обидовнинг маслаҳатлари билан Ҳайриддин Салоҳ, Юсуф Шомансур, Анвар Эшонов, Сайёр, Тўлқин каби тенгдошларим катори Файратий домла бошқарган адабиёт тўғрага қатнаша бошладим.

Домла Файратийнинг ўғитлари қалбимда бир умрга муҳрланиб қолган.

АЗИМОВ КИМ: «ЁЗУВЧИМИ ЁКИ ОЛИМ...»

«Аъзамжон, адабиёт кўнглининг иши, уни университетда ўқимаёй эваверса ҳам бўлади. Сиз, албатта, хунар ўргангиз, имкони бўлса, политехника институтига киригиз. Кончилик илмини ўргангиз. Бизда кон санаоти тизими ҳақида ёзадиган ёзувчи йўқ».

Домланинг панду насиҳатларини дилга жо қилиб, у кишининг розилиklarини олиб, 1955 йили Ўрта Осиё политехника институтининг тоғ-кончилик куллиетига ўқишга кирдим. Олтиинчи йилда эса, маъданлар қазиб олиш усули бўйича муҳандислик дипломини ёқлаб, институтнинг ўзида ишлай бошладим.

– Сизни таниган, билганлар билимга иштиёқингиз жуда қучли бўлганлигини айтишади.

– Бир кўрган нарсамни узок вақт ёдда сақлаб қолиш қобилиятим борлиги рости. Қолаверса, ўта тиришқоқман. Институтда Николай Васильевич Мишченко деган устозимиз бўларди. У бизга конларни очиб усулда қазиб олиш бўйича лойиҳани кўрсатиб, энди ана шу лойиҳани ўзингиз чизиб кўр-чи, деб буорарди. Чизган лойиҳаларимни кўриб, жуда хайратлангани эсимда.

Кончилик соҳасига умримнинг қирқ йилдан кўпроғини сарфлаб, Ҳиндистону Непалдаги энг чуқур конларга ҳам тушганман. Смена

бошлиғи, бош муҳандис лавозимларида ишладим.

Устозларимдан бири Ҳабиб Абдуллаев илмда улуг инсон бўлишига қарамай, камтарин, жуда мард киши эдилар. У «илм олиш ниятида бу даргоҳга қадам босган ҳар бир ўзбекнинг берган саломи белга қув-

ват, юракка ғайрат беради», дегувчи эдилар.

1963 йили устоз Ҳабиб Абдуллаевнинг саъй-ҳаракатлари билан аспирантурага кирдим. Уралда кон транспорти отаси ҳисобланган профессор Михаил Владимирович Васильев менга раҳнамолик қилди. Устоз битта булка, бир стакан сутни олдиға қўйиб олиб, тинимсиз ёзиб чизарди, янгиликлар яратарди, ихтиролар қиларди. Транспортёрли ленталар, осма йўллар, монорельслар лойиҳалари ғоясини шу киши берган. Устозга эргашиб, вертолётлар билан шуғуллана бошладим.

Устоз Файратий яхши ижод қилишга ундаган бўлсалар, Васильев домлам тинч турмасликка, нима биландир шуғулланишга ўргатганлар.

– Вертолётлар ҳақида гап очдингиз, учувчи ҳам бўлганман дег.

– Конларда ишлаш жараёнида маъданларни, юкларни ташиш қийинчилик билан амалга ошди. «Агар шундай контейнерларни вертолётда осма юк сифатида ташилса-чи?» деган ғоя кўнглимга тинчлик бермай қўйди. Бу фикрни Васильев домлага айтгандим, у мени кўллаб-қувватлаб, маслаҳатлар берди.

Санкт-Петербург граждана авиацияси академиясида имтиҳон топширдим. Вертолёт бош-



қаришни эса, Кременчук шаҳрида ўргандим.

Ташқи осма юк контейнерларини ташишга мўлжалланган ихтиро амалга ошди. Кўплаб тажрибалар қилдим. Ташқи осма илгакка илинган юкни судраб ўқиш масаласини ҳам ҳал қилдим. Йигирма етти ёшимда фан номзоди, ўттиз ёшимда фан доктори унвонларига сазовор бўлдим. Ўзбек олими сифатида дунёни кезиб, кўплаб улуг инсонлар билан мулоқотда бўлдим. 150 дан ортик илмий ишларим бор. Тўрт китобнинг муаллифиман. Шогирдларим атрофимда парвона. Мен ўзимни жуда бахтли инсон ҳисоблайман.

– Аъзамжон ака, кўнглингизда орзуларингиз жуда кўп бўлса керак.

– Ёшим бир жойга бориб қолганда, яна бадий ижод билан шуғулланяпман. Хотиралар ёзаяпман, қиссалар, ҳикоялар машқ қилаяпман. Истагим шуки, ёшларимиз улуг салафларидан ўрнак олиб, илм-хунар эгаллашсин. Нималарнидир кашф қилишсин. Дунёга инсон бўлиб келдингми, яратувчи бўл, бекор яшовчи бўлма ақидаси ҳаммага ҳам насиб этаверсин. Ана шундагина инсон деган номнинг қадрини оқлаган бўлаемиз.

Шавкат ТУРОБ суҳбатлашди.

"Мумтоз наволар гулшани"

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча гўшаларида юртимиз озодлиги ва шаъни ҳимоячилари, уруш ва меҳнат фажрийларини шарафлашга бағишланган тадбирлар, маърифий-бадий кечалар ва учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги саройида ўтказилган "Мумтоз наволар гулшани" адабий-бадий мусиқали санъат базми ҳам ана шундай тадбирлардан бири бўлди. Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда Қарияларни қадрлаш йилига бағишланган кеча Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият ишлари вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ҳамда Ўзтелерадиокомпания билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Кечада адабиёт ва санъатимиз, умуман маданиятимиз даргалари, кекса авлод ва улус сулолаларининг ижоди мустақиллик йилларида чинакам кадр топгани саҳна ва экран кўринишларида намоён бўлди. Уларнинг шогирдлари ижросида жозибали куй-қўшиқлар янгради, рақслар намойиш этилди.

Назкат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Бекажон

ОЛМАЛИ ПИРОГ


Уни тайёрлаш учун 6 та тухумнинг оқи сариғидан ажратилиб, сўнгра оқиға 2 стакан шакар аралаштирилади. Кейин тухумнинг сариғи қўшилади. Аралашмага 2 стакан ун солиниб, суюқроқ масса тайёрланади. Махсус пирог пишириладиган қолип ёки товаға ёғ суртиб, пергамент қоғоз қўйиб, унинг устига нон толқони сепади. Тозаланган олмани юпка қирқиб, тайёрлаб қўйилган идишнинг ярмигача солинади. Сўнгра устидан тайёрланган массани қўйиб, 40 дақиқа давомида паст оловда пиширилади. Пирог совигач, қирқиб дастурхонга тортилади.

ТВОРОГЛИ ПИРОГ

250 г творогга 100 г юмшатирилган маргарин ёки сариёғ, 2 ош қошиқ ун аралаштирилади-да, бир неча соатга совуттигача қўйилади. Сўнгра тайёр хамир 1,5 см қалинликда жўваланади. Устига юпка қирқилган олма солиб, хамир четлари чимдиланади ва паст оловда пиширилади.

Наргиза ҚУРБОНОВА, қандолатчи.


Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 270-ўрта мактаб томонидан 1995 йилда Юнусова Камола Мирсултоновна номига берилган тўлиқсиз ўрта маълумот ҳақидаги 361649 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



МИЛОДДАН АВВАЛГИ ТАКСИ

Милоддан аввалги I-асрда яшаган римлик машҳур муҳандис ва меъмор Витрувий рисоаларидан бирида шаҳардан шаҳарга йўловчилар ташишга хизмат қилган махсус от араваларнинг таърифи баён этилган. Мазкур аравада соябон, юмшоқ ўриндиқлар ва бошқа қулайликлардан ташқари... таксометр ҳам бўлган экан. Бу ўзига хос ҳисоблагич бир марказга бирлаштирилган кунгирадор иккита гардишдан иборат бўлиб, арава филдирагага ўрнатилган. Ҳисоблагичнинг устига ва остига иккита қутича жойлаштирилган. Босиб ўтилган ҳар миля (1600 метр) масофада гардишларнинг тешиклари бир-бирига мос келган. Шу пайтда юқори қутичадан битта думалоқ тошча пастдаги қутичага тушиб турган. Манзилга етиб келингач, тошлар сонига қараб «такси» ҳақи олинган. Ажойиб-а...

Биласизми?



Фоииз қамайган ҳар тўрт шифокордан бирида гипертония касаллиги лайдо бўлган.

Шундай қилиб, доктор Шванк «камбағал ва касал бўлгандан кўра, бой ва саломат бўлиш афзал» эканлигини илмий исботлаб берди.

Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА тайёрлади.

ПУЛ ВА САЛОМАТЛИК

Соғлиқни пулга ҳам тополмайсан, деган нақл нечоғли тўғри бўлсада, ҳар ҳолда, моддий етишмовчиликлар киши соғлиғига таъсир этмай қолмайди. Америка Тиббиёт академиясининг ходими доктор Роберт Шванк 1948 йилдан 1984 йилгача 1130 нафар шифокорни текшириб кўриб, шундай хулосага келди. Улар қон босимининг ўзгариши маошларининг миқдорига боғлиқлиги олим эътиборини тортди. Аниқланишича, маоши ўн фоиз камайган ҳар тўрт шифокордан бирида гипертония касаллиги лайдо бўлган.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТОШКЕНТ ШАҲАР ПРАСС

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-40-48, 136-57-27.

Манзилимиз:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер
марказида терияди ва
саҳифаланди.

● Элон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда да-
лillarнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.